

ВАЙРОНКОР СЕКТАЛАР ВА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИ

Ахмедов Эргаш Кулдашевич

*Тошкент кимё-технология институти в.б. доценти,
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Ушбу мақолада вайронкор секталарнинг хусусиятлари очиб берилган, ҳамда бундай секталарнинг ёшларга таъсири ҳақида фикр юритилган. Унда тоталитар секталар фаолияти ва бундай секталар кўп эътибор қаратадиган ижтимоий қатламлар ёритилган. Шунингдек, вайронкор секталар ўзларининг миссионерлик фаолиятида ҳали онги етарли даражада ривожланмаган ва ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёшларга катта эътибор қаратаётганлиги, уларнинг онги, дунёқараши ва қалбини эгаллаш орқали маънавий жиҳатдан қарам қилишга интилиши хатарли тус олаётганлиги алоҳида таъкидланади.

Таянч сўзлар: секта, вайронкор секта, тоталитар секта, миссионерлик, хавф гуруҳлари, маънавий қарамлик.

Ҳар қандай анъанавий диний конфессия ва жамият ўртасида мунтазам равишда ўзаро мулоқот боради, деструктив секталар эса жамиятдан ёшларни тортиб олиш билан бирга, ана шу ёшларнинг билими, кучи ва ақл-идрокидан ғаразли манфаатлари йўлида фойдаланади, холос. “Миллионлаб одамларнинг онги, қалби ва руҳиятига таъсир ўтказа оладиган диннинг жамият ҳаётидаги ролига тўғри баҳо бера олмаслик диний қадриятларни тараққиёт ва дунёвийлик билан уйғунлаштирмаслик салбий оқибатларни келтириб чиқариши муқаррар” [1, 772б.]. Таъкидлаш керакки, мафкуравий иммунитетни кучли, юксак маънавият ва мустаҳкам эътиқодга эга, ўзидан ва бугунги кундаги мавқеидан тўлиқ мамнун бўлган одам, ҳар қандай секталар миссионерининг унга кераксиз бўлган таклифларига рад жавобини беради.

Одатда одамлар руҳиятини “қутқарувчи”, ўзларини “халос этувчи” тоталитар секталарни изламайдилар. Аксинча, ғояларини тарғиб қилиш ва ўзларига янги издошларни жалб қилиш учун бундай секталар одамларни излаб топадилар. Одамлар кўпинча бундай ташкилотларнинг моҳиятини билмаганликлари учун уларнинг тўрига илиниб қоладилар. Миссионерлик ҳаракатини олиб бораётган тоталитар секталар ўзларининг ҳақиқий табиати ва мақсадларини аъзо қилишга мўлжалланган кишилардан яширадилар ҳамда

янги аъзоларга қўйиладиган талабларни тўла-тўқис тушунтирмайдилар. Улар очик кўнгил, дўстона ва самимий киши бўлиб кўринади.

Секталар анъанавий диндан ажратилиб чиққан, ёки уларга муҳолиф бўлган, қатъий тартибда назорат қилинувчи ёпиқ диний гуруҳдир. Одатда барча секталар ўз издошларини етакчига ва таълимотга сўзсиз бўйсинадиган қилиб сақлашда уларнинг маънавий оламига, хис-туйғуларига ва жисмоний ҳолатига йўналтирилган яширин психологик зўравонликни амалга оширади. Вайронкор секталар ўз аъзоларининг ихтиёрий розилигисиз, уларнинг онги, ҳиссиётлари ва иродаларига яширинча, ҳар томонлама таъсир кўрсатади, онгнинг энг чуқур бурчакларига ҳам қўпол равишда бостириб киришади, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан маҳрум қилишади. Шунингдек, бундай секталар жамиятда ўрнатилган ижтимоий меъёрлар, тартиб ва маданиятга қарши йўналтирилган тажовузкор ҳаракатларни амалга оширади, ҳатто оилани ўзларига душман деб билади. Шу сабабли, адептларга танлов қилиш ҳуқуқини бермайдиган, руҳий ва жисмоний соғлиғига зарар етказадиган, сохта дин хусусиятларига эга бўлган вайронкор секталар жамият барқарорлигига таҳдид солади.

Замонавий динларнинг “янги диний ҳаракатлар” деб номланган аксарият қисми тоталитар хусусиятга эга, яъни улар инсон шахсиятига таҳдид солади. Тоталитар секталар одамнинг фикрлари, хис-туйғулари ва хатти-ҳаракатларини назорат қилиш ва унинг иродасини сусайтириш учун маҳсул психологик усуллардан фойдаланади. Бундай усуллар шахсни ақлий (сектага алоқадор бўлмаган барча билим соҳаларининг қашшоқлиги), руҳий (шахснинг бузилиши, хулқ-атвори ва танқидий фикрлаш қобилияти), ижтимоий (мулоқот қилиш қобилиятини пасайтириш, жамиятга нисбатан душманлик кайфияти) ва жисмоний (тўйиб овқатланмаслик, етарлича ухламаслик, машаққатли меҳнат) жиҳатдан вайрон қилишга йўналтирилган[2].

Барча тоталитар секталарда мақсад маблағни оқлайди деб ҳисоблангани боис, улар шахсий манфаатларини қонундан устун қўйишади. Уларнинг барчасига “икки ёқлама ахлоқ” ва “икки ёқлама меъёрлар” хосдир. Агар секта аъзолари ўз олдиларига қўйган мақсадлари “тўғри” ва “адолатли” эканига ишонишса, ёлғон гапириш, ўғирлик, одамларни чалғитиш, ўз гуруҳдошларининг онгини назорат қилиш, ўзларининг фаолиятига қаршилиқ кўрсатган мансабдор шахслар ва жамоат арбобларига тухмат уюштириш, ҳатто йўлларига тўсиқ бўлаётган одамни ёки одамлар гуруҳини йўқ қилиш каби жирканч ишлардан ҳам қайтишмайди. Бундан кўринадики, секталар ўз

рахбариятига сўзсиз буйсунадиган ва унинг топшириқларини муҳокамасиз бажарадиган жиний тузулмалардан фарқ қилмайди[3, 152 б.].

ГФР мактаб ўқувчиларига таталитар секталарнинг 17 та белгисини ажратиб кўрсатувчи маълумот беради. Улар қўллайдиган усуллар ҳақида керакли маълумотларни беради. Хусусан, тоталитар секталар аъзолари куйидаги маълумотлар билан ёшларга мурожаат қилишади:

1. Сиз гуруҳда айнан сизга керак нарсани топасиз. Бизнинг динимиз айнан сизга керак нарсани билади.

2. Биринчи учрашувнинг ўзиёқ сизда дунёга бошқача қарашни шакллантиради.

3. Гуруҳимиздаги аъзоларнинг дунёқараши жуда юқори ва улар сизга ҳар қандай муаммони тушунтиришга қодир.

4. Гуруҳга нисбатан аниқ тавсиф бериш қийин бўлади. Улар сизга бирор нарса ҳақида фикрлашингиз ва айтилганларга шубҳа қилмаслигингизни уқтиришади. Сектадаги янги дўстлар сизнинг саволларингизга: "Буни тушунтириш қийин, сиз ичимизда юриб буни англашингиз мумкин - яхшиси, юринг бизнинг марказимизга", - деб жавоб беришади.

5. Сиз таклиф қилинган гуруҳда ўқитувчи, ташкилотчи, раҳнамо ёки устоз (гуру) бўлади. Фақат раҳнамогина ҳақиқатни билади деб уқтирилади.

6. Фақат гуруҳ дарсларидагина илоҳий билим олиш мумкинлиги айтилади, якка дарсларга йўл қўйилмайди. Анъанавий фан, рационал фикр, тафаккур иблисона ва салбий ғоялар сифатида инкор этилади.

7. Гуруҳга мансуб бўлмаган инсонлар томонидан қилинган танқид, унинг ҳақлигига далил саналади.

8. Дунё ҳалокат сари бормоқда ва уни қутқариш йўллари фақат бизнинг гуруҳагина аён.

9. Сенинг гуруҳинг танланганлардан иборат. Инсониятнинг қолган қисми оғир касаллик ва йўқликка маҳкум. Чунки улар гуруҳ билан ҳамкорлик қилмаяпти ёхуд ўзларининг халос этилишига имкон бермаяпти.

10. Сиз зудлик билан гуруҳга (динимизга) аъзо бўлишингиз керак.

11. Ўзингизни ташқи оламдан айро тутмоғингиз лозим. Масалан: кийинишда, ейиш-ичишда, сўзлашувда, шахслараро муносабатларда аниқ меъёрларга амал қилишингиз шарт.

12. Гуруҳ сизнинг камолотингиз йўлига доимий тўсиқ бўлиб келаётган ўтмишдаги муносабатларингиздан воз кечишингизни истайди.

13. Сизга гуруҳ аъзоларидан бошқа кишилар билан жинсий муносабатга киришишга рухсат берилмайди. Масалан: маъмуриятнинг ўзи сизга ёстиқдош танлайди ёки гуруҳ бўлиб жинсий муносабатларга киришишга ундайди ё бўлмаса жинсий муносабатларга қатъий тақиқ қўяди.

14. Гуруҳ сизга китоб ва газеталар сотиш, янги аъзоларни жалб қилиш, медитация курсларига қатнаш каби кўплаб вазифаларни юклаб, бўш вақт қолдирмайди.

15. Ёлғиз қолиш ниҳоятда мушкул бўлиб, гуруҳ аъзоларидан кимдир сизга ҳамиша ҳамроҳ бўлади.

16. Агар сизда шубҳа туғилса, берилган ваъдалар бажарилмаётгандай туйилса, бунга фақат ўзингиз айбдор эканлигингиз айтилади. Бунинг сабаби сиз гуруҳга ё кам ишонасиз ёки ўз устингизда қаттиқ ишламаяпсиз.

17. Гуруҳ ўз қоидаларига ва интизомига ҳеч шубҳаланмай, оғишмасдан амал қилинишини қаттиқ назорат остига олади. Зеро, гуруҳ қарашлари разолатдан халос бўлишнинг яккаю ягона йўли ҳисобланади[3, 46-47 б.].

Тоталитар секталар инсониятнинг табиий маънавий эҳтиёжидан ва ҳақиқатни излашга бўлган иштиёқидан фойдаланиб, нафақат одамни кул қилмоқчи, балки Худонинг номи билан ўзига хизмат қилишга мажбурламоқда. Бундай секталар одатда қандайдир яширин таълимотларга таянади ҳамда бегоналардан сир сақланади. Бўлажак аъзоларга таълимотнинг асосий фикрлари фақат ушбу динга кирганидан кейингина, орқага қайтиш имкони бўлмаганда етказилади.

Секталар миссионерлик ҳаракатининг самарадорлиги таъсир объектини тўғри танлай олишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ўзларининг потенциал мижозларига янада жозибадор кўринишга ҳаракат қилувчи миссионерлар аниқ мақсадлар асосида ва инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга эътибор берган ҳолда ишлайдилар. Бўлажак мижозни тўғри баҳолаш қобилиятига эга бўлган секта миссионерлари ўз ҳаракатини мувоффақиятли яқунлаш учун одатда рухий тушкунликда бўлган, инқирозли вазият ёки ҳаётида беқарорлик ҳукм сураётган инсонларга мурожаат қилади. Қуйидаги асосий хавф гуруҳларини ажратиш мумкин, уларнинг ҳар бири сектантлар таклифига розилик билдириш учун ўзига хос сабабларга эга бўлади:

1. Чуқур шахсий инқирозни бошидан кечираётган одамлар. Бу унинг шахсий ҳаётидаги муваффақиятсизлик, яқин кишисининг ўлими, ажралиш, ишдан бўшатиш, ўтиш ёшидаги инқироз, оиладаги муаммолар, соғлиқ ва рухий ҳолатнинг бузилиши, ноқулай ижтимоий келиб чиқиш, тақдирнинг ўзгариши ва бошқалар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай шароитдаги

одамлар умидсизликни, ишончсизликни, ҳаёт истиқболларини йўқотишни ҳис қилади, уларга ҳаётнинг маъноси йўқолиб бораётгандай туюлади. Натижада ғамхўрликка муҳтож бўлган одамни секта миссионерлари “халос бўлиш”, “нажот топиш” каби ваъдаларга осонлик билан ишонттиради.

2. Ўзига нисбатан ишончи паст, заиф ва беқарор руҳиятдаги инсонлар. Одатда ёшлигидан мустақил қарорлар қабул қилишдан йироқ бўлган, ҳаддан ортиқ қаттиққўллик асосида тарбия кўрган инсонлар кейинчалик ҳам мустақил ҳолатда бирон бир танлов қилишда қийналади. Бундай инсонлар ўз қарорларининг оқибатлари учун жавобгарликни хоҳламайдилар. Ушбу тоифадаги одамлар кўпинча бошқаларнинг улар учун қарор қилишларига ўрганиб қолишади ва улар одатда бировларнинг иродасига эргашадилар. Бу, шунингдек, ўзини ўзи паст баҳолаган одамларда самарасиз психологик ҳимоянинг шакллари билан бириктирилади. Улар ўзларининг эркинликларини сезиларли даражада чеклашга ва онгли равишда ўзгаларга тобе бўлишга ҳайрихоҳ бўладилар. Секта миссионерлари бундай инсонларни ҳам осонлик билан ўз назоратига олади. Улар учун барча қарорларни қабул қилишни ва танловларни амалга оширишни ўз зиммасига оладилар. Ахир тоталитар секталар ҳаётнинг барча томонларини тартибга солади, яъни қачон ва нима ейиш, қачон ва ким билан ухлаш, нимани ўқиш ва қачон ибодат қилиш, ҳатто умр йўлдош танлаш ва оила қуриш масалаларига ҳам ўзлари бош бўлади.

3. Ижтимоий жиҳатдан тан олинмаган, ўз яқинлари орасида паст баҳоланган инсонлар. Бундай инсонлар ўзига бўлган ҳурматни оширишни истади ва ўзини такомиллаштиришни, маънавий-руҳий жиҳатдан ривожланишни хоҳлайди. Уни ўраб турган одатдаги жамиятда ўзини кераксиздек ҳис қилганлиги учун у доимо ўзини ҳурмат қиладиган ва эъзозлайдиган инсонлар қуршовида бўлишга интилади. Бу тоифадаги инсонларга секта миссионерлари юқори даражадаги эътибор ва олийжаноблик билан муомала қиладди ҳамда улар орқали кадр топишини, маънавий-руҳий баркамолликка эришишни ваъда қилишади.

4. Норозилик кайфиятида бўлган ёки социал жароҳат олган инсонлар. Бу сиёсий ёки ижтимоий жиҳатдан ноҳақликка, адолатсизликка учруган, ҳукуматдан, ишхонасидан, ўқиш жойидан, дўстларидан, ҳатто оила аъзоларидан норози бўлиб юрган одам бўлиши мумкин. Бунда иқтисодий қийинчиликлар, ишсизлик ва моддий етишмовчиликлар ҳам инсонларда норозилик пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Шу нуқтаи назардан баъзан бирон бир сектага жалб қилиш уйсизлар ва очларни элементар овқатлантиришдан иборат бўлиши мумкин.

Бу тоифадаги инсонларни миссионерлик ташкилотлари маълум фаолият соҳаси билан таъминлайди, ўзларини англашга “имкон” беради ва уларни руҳий жиҳатдан қулай бўлган “ғамхўрлик” алоқаси билан ўраб олади.

5. Ҳар қандай ғайриоддий маълумотларга қизиқувчи, ҳаёлпараст ўспиринлар, шунингдек болаларча хатти-ҳаракатларга мойил бўлган ҳар қандай ёшдаги инсонлар. Бу одамлар замонавий истеъмолчилар жамияти таъсирида реал дунёдан узоқ бўлган қандайдир фантастик ғоялар қуршовида яшайдилар. Улар “катта ва ёрқин” нарсаларни орзу қилишади, аллақачон жуда тараққий этган гуруҳлар борлиги ҳақидаги маълумот уларнинг иштиёқини оширади. Шахсий ҳаёт тажрибаси кам, имони мустаҳкам бўлмаган ва носоғлом фикрловчи бундай инсонлар ғайриоддий ва замонавий бўлиб кўринган секталарнинг миссионерларига жуда осон ва мамнуният билан рози бўлишади ва кейинчалик улар янги эътиқоднинг энг фаол ва мурасисиз тарафдорларига айланиши мумкин.

Вайронкор секталарнинг миссионерлари ўз мақсадларига эришишда яширин усуллардан кенг фойдаланиши секталарнинг вайронкор табиатини яққол намоёниш этади. Педагогика фанлари доктори М.Қуроновиқнинг ёзишича: “Миссионерлик ҳаракатининг тарғиботчилари диний ақидапарастлардан фарқли ўлароқ ўз сафларига янгиликка интилувчи ва келажакни кўзлаётган ёшларни, айрим аламзада зиёлиларни, муҳолифатчиликка мойил кимсаларни ва ғарбпараст аёлларни тортишга интилади” [4, 11 б.]. Бундай секталарнинг ғоявий хуружлари жараёнида, аввало, миссионер нишондаги инсонга ўз тасаввурларини ўзгартиришга олиб келувчи билимлар ва кўрсатмалар бера бошлайди. Натижада унинг дунё, дин, ҳаёт, яшашдан мақсад каби тасаввурлари, кадриятлари тизимида миссионер кутаётган тартиб пайдо бўлади ва етакчилик қила бошлайди. Бу эса шахснинг хулқ-атворида таъсир кўрсатади, шахс ўз характеридаги ўзгаришларни сезмайди ва “мен тўғри йўл тутаяпман” деган асосга эга бўлиб қолади.

Хулоса қилиб айтганда вайронкор секталарнинг миссионерлик ҳаракатлари авж олиши шароитида миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш эҳтиёжи ортиб бормоқда. Бунинг учун, аввало, ёшлар маънавиятини ривожлантириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш зарур бўлади. Чунки маънавияти қашшоқ инсонларнинг вайронкор секталар томонидан амалга ошириладиган миссионерлик ҳаракатларининг мазмун-моҳиятини, ундан кўзланган мақсадлар ва кимларнинг манфаатларига хизмат қилишга қаратилганлигини таҳлил қилишга салоҳияти етмайди. Бунинг оқибатида улар ушбу секталар томонидан тарғиб қилинаётган ёт ғояларга қўшилиб кетиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Kuldashevich, A. E. (2020). The future of religious tolerance in modern Uzbekistan. *Ilkogretim Online*, 19(4), 765-774.
2. Секты и методы вербовки. Что такое секта? // <https://pravbeseda.ru/library/index.php?page=book&id=535>
3. Дворкин А.Л. Сектоведение. Тоталитарные секты. Опыт систематического исследования. Нижний Новгород, 2002.
4. Quronov Muhammadjon. *Niqob ortiga bir nigoh*. –Т .: 2018 й.

**"Innovations in Science and
Technologies"**